



Меҳнат Бозори Трансформациясида Малакали Кадрларни Тайёрлашга Мослаштирилган Таълим Тизими

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Севара Абдиназаровна Бабаназарова

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, PhD

Озода Мамаюнусовна Пардаева

ТДИУ Самарқанд филиалида кафедра мудири, PhD.

Элек. почта: ozodapardaeva@yahoo.com

Аннотация: мақолада меҳнат бозори трансформациясида малакали кадрларни тайёрлашга мослаштирилган таълим тизими қараб чиқилган. Бунда таълимнинг турларидан мактаб таълими, ўрта махсус ва олий таълим, касбий таълим, яшил таълим, масофавий таълим, таълимнинг интерактив шакллари қараб чиқилган. Шунингдек, таълим жараёнида баҳс, мунозара ва муҳокама қилиш ҳамда гуруҳ бўлиб ишлаш, интерактив, эстетик таълим усуллари ҳам изоҳ берилган. Мақолада креативлик ва ижодий фикрлаш ҳам замонавий талаблардан бири сифатида майдонга чиқаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: таълим, мактаб таълими, ўрта махсус таълим, олий таълим, касбий таълим, яшил таълим, масофавий таълим, таълимнинг интерактив шакллари, таълим жараёнида баҳс, мунозара, муҳокама қилиш, гуруҳ бўлиб ишлаш, интерактив, эстетик таълим, креативлик, ижодий фикрлаш.

Система Образования, Адаптированная К Подготовке Квалифицированных Кадров В Условиях Трансформации Рынка Труда

Мамаюнус Каршибаевич Пардаев

Севара Абдиназаровна Бабаназарова.

Озода Мамаюнусовна Пардаева

Аннотация: в статье рассматривается система образования, адаптированная к подготовке квалифицированных кадров в условиях трансформации рынка труда. Среди видов образования рассматривались школьное образование, среднее специальное и высшее образование, профессиональное образование, зеленое образование, дистанционное образование, интерактивные формы обучения. Кроме того, в образовательном процессе разъясняются дебаты, дискуссии и дискуссии, а также групповая работа, интерактивные, эстетические методы воспитания. В статье акцентируется внимание на том, что творчество и творческое мышление становятся одними из современных требований.

Ключевые слова: образование, школьное образование, среднее специальное образование, высшее образование, профессиональное образование, зеленое образование, дистанционное образование, интерактивные формы обучения, дискуссия в



образовательном процессе, дискуссия, дискуссия, групповая работа, интерактив, эстетическое воспитание, творчество, творческий подход. мышление.

Education System Adapted To The Training Of Qualified Staff In The Conditions Of Labor Market Transformation

Mamayunus Karshibaevich Pardaev
Sevara Abdinazarovna Babanazarova.
Ozoda Mamayunusovna Pardaeva.

Abstract: the article considers the education system adapted to the training of qualified personnel in the conditions of labor market transformation. Among the types of education, school education, secondary specialized and higher education, vocational education, green education, distance education, interactive forms of learning were considered. In addition, debates, discussions and debates, as well as group work, interactive, aesthetic methods of education are explained in the educational process. The article focuses on the fact that creativity and creative thinking are becoming one of the modern requirements.

Key words: education, school education, secondary specialized education, higher education, vocational education, green education, distance education, interactive forms of learning, discussion in the educational process, discussion, discussion, group work, interactive, aesthetic education, creativity, creative approach. thinking.

Кириш мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда меҳнат бозори трансформациясида малакали кадрларни тайёрлашга мослаштирилган таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора тадбирлар мунтазам равишда давлатимиз раҳбарининг эътиборида бўлиб келмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг бир қанча фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони, 2023 йил 28 февралдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-27-сонли фармони, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонлари қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 мартдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 241-сонли қарори ҳам қабул қилинди. Ушбу қарор ва фармонларда меҳнат бозоридаги ўзгаришларга мос кадрлар тайёрлайдиган таълим тизимини яратиш масаласи қўйилган. Булардан кўриниб турибдики, бу анча мураккаб жараён. Бу илмий жиҳатдан ҳам ўрганилиб, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида ушбу мавзуда тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади. Шу жиҳатдан мазкур мавзу ўта долзарб ҳисобланади.



Тадқиқот методологияси. Мамлакатимиз замонавий меҳнат бозори трансформациясида малакали кадрларни тайёрлашга мослаштирилган таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнида шакл ва мазмун, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, макон ва замон, мантиқий таҳлил каби услублардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Яна бир муҳим соҳа **таълим соҳаси** ҳисобланади. Ушбу соҳада профессорлар, педагоглар, ўқитувчилар, талабалар ва ўқувчилар фаолият кўрсатади. Ҳозирги дуал таълим жорий қилинаётган паллада уларга амалий билим берадиган амалиётда фаолият кўрсатадиган ва уни яхши биладиган тажрибали мутахассисларни ҳам киритиш мумкин.

Таълим соҳаси турлари кўплаб йўналишларга эга. Уларнинг баъзилари келтирамиз. Энг кўп тарқалган таълим, бу **мактаб таълими** бўлиб ҳисобланади. Бу бошланғич, ўрта ва тўлиқ мактаб таълими даражаларини ўз ичига олади. Бу жойда ўқувчилар асосий билим ва кўникмаларни оладилар.

Таълим соҳасидаги асосий йўналишлардан бири **ўрта махсус ва олий таълим** ҳисобланади. Булар асосан, техникум, коллеж ва университетларда амалга оширилади. Бу ерда талабалар мутахассисликлар бўйича тайёрланадилар ва биров вақтдан сўнг малакалари ҳам оширишга қаратилган билимларни ҳам оладилар.

Таълим соҳасидаги яна бир йўналиш **касбий таълим** ҳисобланади. Бунда амалиётга мос махсус соҳалар учун мутахассислар, уста-хунарманлар, сартарошлар, ошпозлар каби юзлаб мутахассислар таълим оладилар. Булар биринчи навбатда, касбий кўникмаларни ривожлантиришга мўлжалланган. Бу таълим ҳозирги пайтда жадал ривожланмоқда. Бир қисм аҳоли ўзини ўзи банд қилиш билан шуғулланмоқда. Булар ҳам ўзларига керак касбларни эгаллаб элга хизмат қиладиган ишлар билан банд бўлиб ўзларининг оиласини боқадиган, камбағалликдан чиқадиган даражада фаолият кўрсатмоқдалар. Бу йўналиш ҳозирги меҳнат бозори трансформациясида тегишли ўринни эгалламоқда. Бунга биргина мисол, ахборот технологиялари соҳасида фаолият кўрсатадиган дастурчилар уйда туриб ўз меҳнатларини ва ғояларини экспорт қилмоқдалар.

Экологик ва биологик билимларни ошириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш ҳақида тушунчаларни шакллантириш учун мўлжалланган янги таълим тури **яшил таълим** вужудга келди. Бу таълим меҳнат бозори трансформацияси жараёнида тез ривожланадиган таълим турларида бири ҳисобланади. Мамлакатимизда яшил иқтисодий шакллантириб, унинг ЯИМдаги улушини маълум фойзага ошириш масласи қўйилган.

Навбатдаги таълим тури **масофавий таълим** ҳисобланади. Ушбу таълим интернет ёрдамида амалга ошириладиган таълим ҳисобланади. Бу турда ўқиш ва ўқитиш жараёнлари масофадан туриб, ортиқча вақт сарф қилмайдиган самарали таълим ҳисобланади. Ушбу таълимни амалга ошириш учун албатта тегишли технологияларни таъминлайдиган техника ва жиҳозлар керак бўлади. Ушбу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчилар билан бирга ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассислар ҳам керак бўлади.

Ҳозирги пайтда **таълимнинг интерактив шакллари** ҳам бугунги МБТ талабларига мос ҳолда шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Интерактив таълим турли фанларни бирлаштирган ҳолда ўқитишга мўлжалланган. Интерактив таълим жараёнида ўқувчиларнинг (талабаларнинг) фаол қатнашишини таъминлашга қаратилган бўлиб, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларни фаоллаштиришга асосланган. Интерактив таълимда ўқувчилар ўз фикрлари, тушунчаларини билдириш, савол бериш, муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш имконига эга. Ушбу таълим ҳар



томонлама музокаралар асосида ўтилади. Бунда икки томон ҳам креатив фикрлайдиган ва буларни ифода этадиган кўникмага эга бўлиши лозим.

Интерактив таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Булардан бири томонларнинг (ўқувчи ва ўқитувчиларнинг) **фаол иштироки** таъминланган бўлиши лозим. Ўқувчилар дарс жараёнига фаол иштирок этганлиги туфайли улар ўзларининг диққатини сақлаш ва билимни яхшилаш имкониятига эга бўлади.

Дарс жараёнида **бахс, мунозара ва муҳокама** ҳам фаол давом этади. Ўқувчилар ўзларининг фикрлари ва тушунчаларини муҳокама қилишлари учун синфда тегишли шароит яратилади, бу эса ҳар бир иштирокчининг фикрлашини ривожлантиради. Бу ҳам креатив фикрлаш кўникмасини ҳосил қилади.

Ҳозирги пайтда дарс жараёнида бошқа гуруҳлар билан ҳам интернет орқали **гурӯҳ бўлиб ишлаш** ҳам анъанага айланмоғи лозим. Шу йўл билан ўқувчилар минтақада ишлаш, жамоа бўлиб муаммоларни ҳал қилиш ва ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлади.

Замонавий таълим жараёнида турли **ахборот технологиялардан** фойдаланиши ҳам муҳим тадбирлардан бирига айланиб бормоқда. Бунда компьютерлар, планшетлар, интерактив намойиш воситалари ва бошқа технологик воситалардан ҳам фаол фойдаланиб, интерактив таълим турини шакллантиради. **Интерактив** таълим жараёнида бир вақтнинг ўзида таълимнинг бир қанча турларидан фойдаланиш мумкин. Бир гуруҳ талабалар аудиторияда ва бир гуруҳ талабалар масофадан туриб ҳам ўқишлари мумкин. Интерактив таълим методлари жумласига ўйин методлари, роль ўйнаш, мулоқот, викториналар ва бошқа усуллар ҳам киради. Бундай таълим янада самарали таълим жараёнини яратишга ёрдам беради.


Ҳозирга пайтда **эстетик таълим** тури ҳам шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Ушбу таълим санъат, эстетика ва маданиятга оид билимларни беришга мўлжалланган. Лўнда қилиб айтганда, эстетик таълим бевосита инсоннинг эстетик ва маънавий хусусанини шакллантиришга қаратилган таълим турари ҳисобланади. У ўқувчиларда жозибadorлик, гўзаллик, кўркемликка бўлган муносабатни ривожлантириш, эстетик тажрибаларни кенгайтириш ва санъатнинг аҳамиятини тушунишга ёрдам беради. Шу жиҳатдан маълум маънода тарбия фани билан билан ҳам шуғулланади.

Зеро, эстетик таълимнинг асосий мақсадларидан бири эстетик тушунча бўлиб, ушбу таълим тури инсонларга гўзаллик, эстетик қадриятлар ва нафис асарлар ҳақида тушунча беришни мақсад қилади. Санъатнинг аҳамиятини тушуниш учун эстетик таълим орқали хилма-хил санъат шакллари (расм, мусиқа, адабиёт ва б.) инсонни қандай шакллантиришини, уларнинг таълим ва ҳаётдаги ўрнини ва аҳамиятини ўрганишга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, эстетик таълим инсоннинг **маънавий ривожланишига** ижобий таъсир кўрсатади. Бу, юқори маънавий қадриятларга эга бўлишни, ижодий фаолликни ривожланишини ва ижобий эмоционал ҳолатни шакллантиришни ўз ичига олади. Одатда маънавий ривожланиш орқали таълимнинг қадриятларга таянганлигини, миллийликнинг ўзига хослигини ифода этади.

Хуллас, эстетик таълимни амалга оширишда ўқитиш усуллари, бадий асарлар билан танишиш, ижодий фаолият (расм чизиш, мусиқа ёзиш, шеър ёзиш ва б.) кабилардан кенг фойдаланилади. Ушбу усуллар ўқувчиларнинг эстетик дунёқарашини кенгайтириш ва уларга амал қилишда кенг кўламли ёрдам беради. Ижтимоий таълим аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш мақсадида фуқароликни ривожлантириш ва ижтимоий маълумотларни беришга хизмат қилади.

Шу ўринда **креативлик ва ижодий фикрлаш** ҳам замонавий талаблардан бири сифатида майдонга чиқаётганлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб



ҳисоблаймиз. Ушбу таълим шоғирдларда ижодий фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади. Эстетик таълим профессионал фаолият учун керакли бўлган ижодий салоҳиятни шакллантиришда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Умуман олганда креатив фикрлаш бевосита янги ва инновацион ғоялар, концепциялар ва ечимлар яратиш жараёни қамраб олади. Ушбу жараёнда одамлар ўз тасаввурларини, ҳар хил концепцияларни ва ҳаётий таърифларни бирлаштириладилар, бу эса уларга янгича ва мураккаб масалаларга ечим топиш имконини беради.

Креатив фикрлашнинг асосий жиҳатларидан бири тасаввурда намоён бўлади. Креатив фикрлаш жараёнида инсонлар ўз тасаввурини ишга соладилар, яъни улар реалликдан четлашиб, янги ғояларни яратиш учун фикрлашади. Чунки креативлик, ўта янгиликларни ва ижодий ёндашувларни талаб этади, шунга кўра стандарт ва одатий ечимлардан четлашиш керак бўлади. Бундай шароитда мураккаб масалаларнинг ечимига ҳамиша бир хил ёндошувда такрорламасликка ҳаракат қилинади. Янги ғояларни топишга интилиб яшаш айнан шунга мос ижодкорликни тақозо қилади.

Яратилаётган ғояларни танқидий баҳолаш ва уларнинг янги вариантларини кўриб чиқишда ҳолислик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Билингки ҳолислик бор жойда адолат бўлади, адолат бор жойда ҳалоллик бўлади. Бундай вазият улкан муваффақиятларга олиб келади. МБТда ушбу масалага ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим.

Ғояларни турли кўринишда тасвирлаш, уларни турли форматларда (расм, схемалар, концепт карталар ва ҳ.к.) кўрсатиш ҳам масаланинг ечими бўйича турли фикрларни уйғотиш билан бирга, уларни амалга ошириш бўйича ҳам бир қанча имкониятларни яратишга туртки бўлади. Натижада турли фикрлар ва ғояларнинг бири-бирига боғланиши ва улардан янги концепция яратиш имконияти ҳам пайдо бўлади. Креатив фикрлаш, шунингдек, бизнес, санъат, таълим ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жараёни ривожлантиришингиз муваффақиятли лойиҳалар ва янги ечимларни яратиш имкониятларини оширади.

МБТда камерал таълим ҳам ўз ўрнига эга. Таълимнинг ушбу тури унинг охириги шакли бўлиб, у талабаларнинг мустақил ўрганиш ва тадқиқот қилиш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли. Ушбу таълим тизими асосан олий таълим муассасаларида ва баъзи ҳолларда ўрта махсус таълимда қўлланилади. Камерал таълимда талабалар индивидуал ва гуруҳда ўрганишни, ҳамда шу билан бирга мустақил лойиҳалар (проектлар), тадқиқотлар ва амалий ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Камерал таълимнинг асосий хусусиятлари шундаки, у энг аввало мустақил таълим ҳисобланади. Талабалар ўз анъанавий таълим жараёнидан ташқарида мустақил ишлашга, тадқиқот олиб боришга, янги маълумотларни ўзлаштиришга ўрганадилар. Тадқиқотларга таянган усуллар камерал таълим жараёнида талабаларнинг ўзлари илмий тадқиқот олиб боради, муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилади ва натижаларини тақдим этади. Шу тариқа у мустақил қарор қабул қилишга ўрганади.

Ушбу таълимда ижодий ёндашув ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки шу йўл билан талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, янгича ғояларни олиб келиш ва янги ечимларга эга бўлишга ёрдам беради. Таълимнинг барча шаклида талабаларнинг фаол иштироки таъминланишини талаб қилади. Камерал таълим жараёнида талабалар фаол иштирок этиб, муаммоларни муҳокама қилишда, тавсиялар беришда, ҳамда лойиҳаларни ишлаб чиқишда иштирок этадилар. Ушбу ёндошув касбий мустақилликни қўлга киритишга асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бунда талабалар ўқиш жараёнида касбий йўналишларга таъриф бериш, лавозимларни олиб боришда ва ўз соҳаларида амалий тажриба топиш имкониятига ҳам эга бўладилар.



Кўриниб турибдики, камерал таълим усули талабаларни таълим жараёнида фаол иштирок этишга, ижодий фикрлашга ва муаммоларни мустақил ҳал қилишга кўмаклашади. Ушбу усул замонавий таълим тизимида аҳамиятга эга ва талабанинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, таълимнинг ҳар бир тури ўзгача мақсадларга ва тадқиқотларга эга бўлиб, инсонларнинг ақлий қобилиятини, зехнини, тафаккурини такомиллаштириш орқали ижтимоий ривожланишига хизмат қилади. Шу жиҳатдан таълим масаласи ҳар қандай мамлакатда ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигини инобатга олган ҳолда айрим тавсияларни ишлаб чиқдик.

Биринчидан, глобал ўзгаришлар, экологик муаммоларнинг кўпайиши биологик билимларни ошириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш лозимлиги ҳақида тушунчаларни шакллантириш учун мўлжалланган янги таълим тури яшил таълимни жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, таълимнинг интерактив тури ҳам бугунги МБТ талабларига мос ҳолда шаклланиб, ривожланиб боришини таъминлаш чоралари кўрилиши лозим. Интерактив таълим турли фанларни бирлаштирган ҳолда ўқитишга мўлжалланган. Интерактив таълим жараёнида ўқувчиларнинг (талабаларнинг) фаол қатнашишини таъминлашга қаратилганлиги, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларни фаоллаштиришга асосланганлиги таълимнинг сифатини ошириш имкониятини яратади.

Учинчидан, мамлакатимизда ёшларни креатив ва ижодий фикрлаш орқали бирча талабларга жавоб берадиган замонавий кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Чунки, мамлакатимизда креатив иқтисодиётни шакллантириш вазифаси қўйилган. Ушбу масалани ўзига мос кадрларсиз ҳал қилиш бироз мураккаблик туғдиради.

Умумий хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, ушбу таклифларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни шакллантиришга мўлжалланган «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясида кўзда тутилган таълим тизимини яхшилаш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш орқали, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, иш билан бондликни ошириш, ишсизликни камайитириш каби вазифаларнинг бажарилшига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сонли «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармони. LexUZ шарҳи.
2. Mamayunus Pardaev, Ozoda Pardaeva, Obid Pardaev Innovative models of Synergistic efficiency. LAMBERT academic Publishing, 2022. – 109 p. – 6,8 б.т. https://www.lap-publishing.com/cover_playgrounds/oiancevskaja
3. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
4. Пардаев М.Қ. Инсон салоҳияти, инсон капитали ва инновация билан боғлиқ категорияларнинг назарий масалалари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2024. - 202 бет.
5. <https://daryo.uz/2022/08/12/ozbekistonda-2022-yilning-birinchi-yarmidagi-ishsizlik-darajasi-malum-qilindi/>.
6. <https://darakchi.uz/uz/86268>.
7. <https://kun.uz/kr/news/2023/02/04/dunyoda-ishsizlar-soni-205-milliondan-oshdi>.